

## Уибӯ сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Сидқий Хондайлиқийнинг хаттотлик ва муҳрканлик фаолияти.....	3
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> “Лубобул Калом” асарида Аллоҳга жиҳат ва маконни нисбат бериш масаласи.....	4

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Ҳакима САЛОМОВА.</b> Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий.....	7
<b>Жамолиддин ЖЎРАЕВ.</b> Алишер Навоий асарларида қўлланилган поэтик деталлар.....	9
<b>Замирахон ИСАҚОВА.</b> Ориф, ирфон ва маърифат муштараклиги.....	10
<b>Суннатилло РАҲМОНОВ.</b> Нақшбандия ва Мавлавия тариқатлари: умумийлик ва хусусийлик.....	13
<b>Машраб ХИДИРОВ.</b> Тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий асарларининг ўрни.....	16
<b>Абдувоси ФАНИЕВ.</b> Аллома Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш Шариънинг ҳаёти ва илмий мероси.....	18
<b>Гўзал САЛИМОВА.</b> Абдураҳмон Самарқандийнинг «Абу Лайс ҳикматлари» асаридаги баҳс-мунозара юритиш одобининг ахлоқий жиҳатлари.....	20
<b>Малика НОРОВА.</b> Сайфиддин Боҳарзий рубоййларида ахлоқий ва маънавий фазилатларнинг акс этиши...	22
<b>Отабек БАХРИЕВ.</b> Имом Бухорий фикҳ борасида таянган далиллар.....	25
<b>Гавҳар ИСТАМОВА.</b> “Насойимул муҳаббат”да Робиа Адавия сиймоси.....	27
<b>Ойбек РАШИДОВ.</b> Большевикларнинг Ўзбекистондаги таълим тизими ва мамлакатимиз зиёлиларига қарши мафкуравий кураши.....	29
<b>Баҳодиржон АЗАМОВ.</b> Куръон, ҳадис ва ҳикматлардаги масалларни бадиий услубда баён қилган мўътабар манба.....	32
<b>Зарина ҲИММАТОВА.</b> Сўфи Оллоҳёр асарларида устознинг улуғлиги ҳақида.....	34
<b>Абдувоҳид НУРИДДИНОВ.</b> Бобур ва Маҳдуми Аъзам.....	36
<b>Зафар ФАҲРИДДИНОВ.</b> Ҳаким Термизийнинг “Таҳсил назоирит Қуръон” асари борасидаги замонавий тадқиқотлар.....	38

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Усмонхон МУҲАММАДИЕВ.</b> “Таъвилотул Қуръон” қўлёзмалари ва уларнинг тадқиқ этилиши.....	41
<b>Сарвар САИДОВ.</b> Ибн Муқаффа асарларида ислоҳотчилик ғоялари.....	43
<b>Абдушукуржон МУРАТОВ.</b> Умар Насафийнинг тафсир илмига оид илмий мероси ва “Тайсир фи Тафсир” асарининг юртимиз фондларида сақлананаётган нусхалари.....	45
<b>Саодат ҲАМРОЕВА, Фируза ШИРИНОВА.</b> Ҳожагон таълимотининг манбалар ёрдамидаги таҳлили.....	46

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Зоҳид МАДРАҲИМОВ, Фазлиддин МАМАСИДИҚОВ.</b> Қўқон хонлигига савдо муносабатлари.....	48
<b>Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ.</b> Мамлакатимизда дастлабки мадрасалар вужудга келишининг шарт-шароитлари..	51
<b>Зухра АРИПОВА.</b> Мамлукларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги: Султон Зоҳир Бейбарс даври (1260-1277).....	53
<b>Зилола САФАРОВА.</b> Тинчлик бебаҳо, хотира муқаддас.....	56
<b>Сайёра ТУРАЕВА.</b> Бухоро хонлигига тоғ-кон ишлари тарихи.....	58
<b>Ойбек ҚЛИЧЕВ.</b> Дипломатик муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси.....	60
<b>Алишер ИСМАИЛОВ.</b> IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан юксалишининг асосий хусусиятлари.....	63
<b>Bobir IMAMOV.</b> Historical stages of diplomatic relations between Uzbekistan and Turkey (1991-2019 years.)...	65
<b>Л.Т. ХАСАНОВА, Т.Р. ЭРНАЗАРОВ.</b> Культурное наследие Узбекистана – на золотых страницах истории.....	68
<b>Хушнудбек МАМАДАЛИЕВ.</b> Қўқон хонлиги шаҳарлари (XIX-XX аср бошлари).....	69
<b>Хуршида АШУРОВА.</b> Особенности социально-политических идей джадидов Самарканда.....	71
<b>Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ.</b> Самарқанд зиёрат туризмининг ривожланишида табаррук қадамжоларнинг ўрни....	73
<b>Ўқтам БЕРДИЕВ.</b> Тарих фани предмети, тарих фанларининг туркумланиши ва тарихий билишда фанлараро алоқадорликлар.....	75
<b>Umidjon BAQOYEV.</b> Buxoro amirining Shirbudun saroyi.....	78

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Умиджон ҚЎШАЕВ.</b> Диний тоқатлилик ва бағрикенглик: Уйғунлик ва ўзига хослик.....	80
<b>نصرالدین بن محمد بیکوف.</b> حکم الإسلام في إجارة الأرحام .....	82

илюхий ишқ тушунчасини олиб кирган ҳам Робиаи Адавиядир. Унинг ўзидан олдинги ва замондош сўфийлардан фарқи ана шунда.

“Бир кун Суфён анинг қошида дедики, [во аламо!]. Ул деди: ёлғон айтма, агарсен маҳзун бўлсанг эрди, тириклик сенга хушгувор бўлмағай эрди.

Ва ҳам ул дебдурки, андуҳум андин эмаски, андуҳингдурмен. Андуҳум андиндурки, андуҳгин эмасмен!” [1: 479].

Маълумки, тасаввуф тавбадан бошланади, бу ерда орифнинг тавбаси мўминнинг тавбасидан бошқача эканлигини унутмаслик керак. Мўмин қилган гуноҳлари учун тавба қиласди, ориф тавбаси эса қалб истижоби, яъни истижобат – узилиш, ўзгариш тавбасидир.

Аллоҳга элтувчи йўллар ададини Абубакр Томистоний “маҳлукот ададига тенг”, Абулҳасан Музайин “юлдузлар миқдори билан баробар”, Шайх Нажмиддин Кубро эса маҳлукотнинг нафаслари қадар беҳисоблигини айтишган. Шайхи кабир Ибн Арабийнинг “Футуҳоти Маккия” асарида ҳам мақом ва манзил, шу каби тариқат работлари бирга олиб қаралади. Ибн Арабийнинг кўрсатишича, тариқатда 19 та мақом, 360 та манзил ва работ (“карвонсарой”) бор.

Манбаларда гарчи бир мақом ёки ҳолдан кейингисига ўтиш учун қатъий тартибга риоя қилиш кераклиги айтилса-да, бироқ бу мартаба – манзилларнинг кетма-кетлик тартибини шартли деб билмоқ керак. Чунки бу ҳолатлар соликда навбат-ма-навбат юз бериши ҳам, ёинки бирданига бир неча хислат соҳибига айланиши ҳам мумкин. Тариқат мақомотлари билан ҳол мартабалари орасидаги алоқалар хусусида шу гапни айтиш мумкин [12: 21].

Фариуддин Атторнинг “Мантиқуттайр”, “Илоҳийнома” достоnlари ҳамда “Тазкиратул авлиё”да, Навоийнинг “Хайратул аброр” достони ва “Насойимул муҳаббат” тазкирасида Робиаи Адавия билан боғлиқ келтирилган нақл ва ҳикоятлар таҳлили шуни кўрсатади, юқорида баён қилинган фикрлар Робиага ҳам тааллуқлидир. У ақл, далил ё илим билан эмас, муроқаба, кашфу завқ орқали қалб йўли билан айнул яқин босқичига эришган. Маълумки, илми ладуний – Аллоҳнинг инояти ва файзи орқали эришиладиган илм бўлиб, бунинг учун муршиддан таълим олиш шарт эмас. Агар мурид бутунлай пок

юриб, ўзини Ҳаққа бағишиласа, пирсиз ҳам олимлик мақомига эришиши мумкин. Робианинг тасаввуфда босиб ўтган йўли ва руҳий ҳолати унинг валийлик даражасига етишганини кўрсатади.

“Робиа сўзидурки, ҳар нимага самараедур ва маърифат самараси юз Тенгрига келтурмакдур. Ва ҳам ул дебдурки, (оз сидқ ила астағфируллоҳ демоқлиқдан астағфируллоҳ дейман)” [1: 479]. Ориф Ревгариининг ўқтиришича, маърифат қалбнинг Аллоҳ таоло ягоналигини таҳқиқ (тасдиқ этмок), маърифатнинг асоси Аллоҳ таолога бўлган сидқу ўтиқод маърифати, маърифатнинг чегараси нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг тадбири (усули) ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдир. Маърифат инсон руҳий камолотининг шариат ва тариқатдан кейинги босқичи – бу Аллоҳ инояти билан бериладиган бир даражага бўлиб, мазкур мартабага юксалган шахс ўзини таниш орқали Аллоҳни танийди. Шам, игна ва соч толасидек яшаш орифнинг кундалик тарзига айланса, у Аллоҳга юз тутади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Робиаи Адавиянинг тасаввуфий-фалсафий қарашлари зоҳидлик даври сўфийларининг қарашларидан фарқ қиласди:

- зоҳидларнинг тоат-ибодатлариға сабаб – Аллоҳдан кўркув, Робиада эса оташин муҳаббат;

- зоҳидларнинг тоат-ибодатларидан мақсад – охират ободлиги, яъни жаннат, Робианинг мақсади – Ёр дийдори, васли;

- зоҳидлар мақсадага эришиш учун дунёдан воз кечиш керак, деб ҳисоблашади, Робиа эса ошиқ мақсадага эришиш учун дунёни, охиратни ва ўзини, ўзлигини унтиши шарт, деб ҳисоблаиди;

- Робиаи Адавия ишқ, жазба ва муҳаббат соҳибларининг йўли тариқи шуттор даражасига етган, у жамъ ва фарқ, сакр ва саҳв ҳолларини бир пайтда яшайди;

- Робиаи Адавиянинг ҳалоллик, поклик, камтарлик, ростгўйлик, қаноат, сабр каби фазилатлари инсон учун барча замонларда энг зарур хислатлар бўлиб, шахснинг маънавий қиёфаси ана шу меъёрлар асосида баҳоланади;

- Робианинг ҳаёт йўлини ўқиб-ўрганиш оилавий ҳаётда ва ёш авлодни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Насойимул муҳаббат. ЎзР ФА. Фан нашриёти. – Т.: 2001.
2. Фариуддин Аттор. Тазкиратул авлиё. Мирза Кенжабек таржимаси. – Т.: Ўз.МЭ. 1997.
3. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Фотир сураси, 35:6 Чўлпон. 1992.
4. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Фурқон сураси 25:43 Чўлпон. 1992.
5. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Юсуф сураси, 12:53 Чўлпон. 1992.
6. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Аъроф сураси, 7: 23 Чўлпон. 1992.
7. Омонулла Файзулаев. Нафс, жон ва руҳ. Академия нашриёти, – Т.: 2005
8. Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари доктори (DsC) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2019.
9. И. Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: F.Fулом НМБ, 1991.
10. Жалолиддин Румий. Ети мажлис. Таржимон Р.Ҳакимжонова. – Т.: Мумтоз сўз, 2014.
11. Шайх Нажмиддин Кубро. Усули ашара. Таржимонлар: И.Ҳаққул, А.Бектош. – Т.: Ўқитувчи, 2005.
12. Нажмиддин Комилов Тасаввуф. – Т.: Тош ДШИ нашриёти, 2006.

♦ **Аннотация:** Мақолада Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” тазкирасида Робиаи Адавиянинг шахсияти ва фаолияти, маънавий-маърифий, фалсафий-диний қарашлари, унинг тасаввуфдаги ўрни, зоҳидлик даври сўфийлари билан ўхша ва фарқи жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, илоҳий ишқ, тариқатдаги мақом ва ҳол, тариқи ахёй, тавба, нафс, маърифат тушунчалари ёритилган. **Таянч сўзлар:** ориф, илоҳий ишқ, илоҳий маърифат, зоҳидлик, мужоҳада, тариқи ахёй, тавба, саломатлик, нафсни таниш, ўзликни англаш, инсон ва унинг моҳияти.

♦ **Annotation:** The article explores the personality and activities of Robia Adaviya, her spiritual and educational, philosophical and religious views, the similarities and differences with the sufis in the commentary of Alisher Navoi “Nasaimul muhabbat”. **Key words:** divine love, insight, tariki ahyar, repentance, soul, enlightenment.

♦ **Аннотация:** В статье исследуется личность и деятельность Рабии Адави, ее духовно-просветительские, философско-религиозные взгляды, ее место в суфизме, сходства и различия с суфиями в произведении Алишера Навои “Насаимуль муҳаббат”. **Ключевые слова:** божественная любовь, прозрение, тариқи ахъяр, покаяние, душа, просветление.

# БОЛЬШЕВИКЛарНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ЗИЁЛИЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ КУРАШИ

ОЙБЕК  
РАШИДОВ  
БухДУ доценти,  
т.ф.ф.д (PhD)

**Б**ольшевиклар Туркистанда ўз ҳокимиятини ўрнатиб бўлганидан сўнг минтақада асрлар давомида шаклланган урф-мөнларнинг эмин-эркин эътиқод қилишига йўл берилмаслиги, большевиклар томонидан бу “диний хурофот” деб аталиши ахолининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Шу билан бирга, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, мактаб ва мадрасаларга боришига йўл қўйилмагани қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Одамлар фарзандларини яширин равишда эски мактаб, қорихона ва мадрасаларга юбориб турди. Чунки, дастлабки йилларда янги мактаблар жуда кам бўлиб, асосан марказий ҳудудларда фаолият юритган. Шу боис чекка қишлоқлардаги хонадонларда фаолият кўрсатган эски мактабларга эҳтиёж мавжуд бўлган. Бироқ бу мактаблarda фаолият юритган муаллим, мударрислар большевикларнинг кескин қаршилигига учраган.

1925 йили Ўзбекистонда эски мактабда таълим-тарбия берган қатор ўқитувчиларга суд ҳукми эълон қилинган. Жумладан, Улуғхон эшон Мукаррамхон ўғлига нисбатан Xўжанд шаҳрида 300-400 болага дарс бергани учун ўша давр, яъни савет жиноят кодексининг 119-моддасига мувофиқ жиноят иши қўзғатилган. Суд жараёнида Улуғхон эшон Мукаррамхон ўғлига қўйидаги айблар қўйилган: “Улуғхон эшон Мукаррамхон ўғли янги таълим усулларига қарши ташвиқот ва яширин равишда кураш олиб борган. У ўзича шариатга таяниб, шўроларнинг янги тартибини даҳшатли қилиб кўрсатган. Болаларни янги мактабларга бериш мусулмонлар учун гуноҳ, ундан фарзандларнинг коммунист бўлиб чиқади, сўнг уларни қизил аскарликка оладилар, шундай қилиб болаларнинг шариатга хизмат қилмасдан, шайтонга хизмат қилур, деб айтган” [1: 52].

Судда эшоннинг табиблик билан машғул бўлгани ҳам қайд этилган. Эшоннинг одамларга қофозга оят ва ҳадислар ёзib бериб, пул ва турли нарсалар олгани, бу ёзувларни олганлар кўп савобга эришиши тўғрисида кўрсатма берилгани айтиб ўтилган. Бу иш ҳалқ орасида хурофот тарқатиш деб баҳоланганд. Самарқанд музофот суди Сизовнинг раислигига Улуғхон эшон Мукаррамхон ўғлини 4 йилга қамоқ жазосига хукм қилган [2: 52].

1925 йил 29 ноябрда яна бир эски мактаб домласи Миршоҳ Соҳиб Назар ўғлига худди шундай жиноят иши очилган. Совет маориф тизимида хизмат қилган мутасаддилар келиб, мактаб фаолиятини тўхтатишини ва болаларни шўролар мактабига олиб боришини айтган ҳамда эски мактабдаги кўпгина китобларни олиб кетган. Шундан кейин маориф назорати мактабни ёпиш бўйича Миршоҳ Соҳиб Назар ўғлидан тилҳат олмоқчи бўлган. Мактабнинг ёпилишига ва тилҳат ёзилишига домла қарши турган. Судда бунинг сабабини домла бундай келтиради: “Сабаби шубҳаланишим бўлди, кўрқдим. Чунки мактаб менини эмас, ҳалқники эди. Шундан кейин улар протокол ёзib қўйл қойдирмоқчи бўлишиди, ман кўрқанимдан кўй қўймадим” [3: 291]. Зиёли Миршоҳ Соҳиб Назар ўғли мактаб ҳалқники эканини, уларнинг илтимоси билан фаолият олиб бораётганини таъкидласа-да, бунга ўтибор берилмаган. Суд раисининг домлага “диний дарсларни кимнинг таклифи билан ўқигансиз”, деган саволига Миршоҳ Соҳиб Назар ўғли “ҳалқнинг талифи билан”, деб жавоб берган.

Судда домлага айбловчи томонидан ҳам саволлар берилган. Давлат айбловчиси домладан “хурофотни биласизми” деб сўраганида, у “йўқ” деб жавоб берган. “Хурофотни билмоқчи бўлсангиз, ўзингизга мурожаат қилинг. Чунки сизнинг юриш-туришингиз хурофотдан иборатдир. Кейинги хибботларга қараганда эски шаҳарда 1600 бола эски тарбия билан тарбияланмоқда. Домлага куйилган жиноят кодексининг 121-моддаси устига мен ўз томонимдан 179-моддани кўяр эдим. Чунки домла одил суд олдида ёлғон гапирди. Мен комсомол вакили бўлиши сифатим билан айтаманки, комсомоллар, ёшлар бизнинг келгуси умидимиз” [4: 291].

Судда ҳимоячи домла Миршоҳ Соҳиб Назар ўғлини мусоффир бўлгани учун иқтисодий томондан қийналгани, тиричилик учун бошқа ҳунари бўлмаганини таъкидлаб, ортиқ жазо бериш керак эмаслигини айтади. Бироқ домла Миршоҳ Соҳиб

Назар ўғли билиб туриб, мазкур жиноятни содир қилган деб топилади ва суд уни 6 ой турмада ётсин, деб қарор чиқарди.

Большевиклар мамлакатда мустаҳкам ўрнашиб олиш мақсадида, аввало, совет мафкурасига хизмат қиладиган кадрлар тайёрлаш масаласига катта ўтибор қилди. Бунинг учун янги усуlda шўро мактаблари ташкил этилди. Уларга маҳаллий аҳоли фарзандларини кенг жалб қилишнинг йўли сифатида эски мактаблар фаолиятини тўхтатиш лозимлиги кўрсатилди. Большевиклар эски мактаблар фаолиятини давом эттириши учун маориф назирлигидан рухсат олиниши, ўқиши дастурига дунёвий фанларни киритиши лозимлигини қатъий қилиб белгилади. Энг аянчлиси, большевиклар эски мактаб ва қорихоналарни ёпиб, бадалига бирдан янги мактаб очиб беришга моддий ва маънавий кучи етмаслигини тан олган [5: 26].

Совет ҳукумати томонидан ўша даврда фаолият юритган қорихоналар таълим-тарбия билан машғул бўлиши ҳам чеклана бошлади. Мазкур масала бўйича большевиклар кўйидагича қатъий қарор чиқарди.

“Қорихоналарга келганда, Ўзбекистон ўлкасида бу муасасаларни ҳозирги миқдоридан 80-90 фоизга камайтириш керак. Шахар ва қишлоқлар учун битта-яримта қорихонага ижозат берилса, кифоя қиласди.

Буни назорат қиладиган муассасаларга қорихоналар фаолияти юзасидан шартлар ушбулардан иборат:

1. қорихона ёнида савод мактаби бўлмасин;
2. қорихонага саводсиз болалар олинмасин;
3. шўро мактабида ўқиб турган бола ушбу таълимга келар экан, мактаб ҳайъатидан ижозат қоғози бўлсин;

4. қорихонада ўқиши сахар ярим кечадан бошланиб, эртаси шомгача чўзилмасдан, эрталаб соат 9 дан соат 2 гача бўлиши шарти билан энг кўпи беш соатгача чеклансин;

5. Буларнинг устига ўзбек тили ва адабиёти, дунё маълумоти, ўзгариш тарихи, шўролар ҳукуматининг асосий қонуни ва шунга ўхшаган фанлар билан болаларга янги нарсадан оз бўлса ҳам маълумот берилсин” [6: 26].

Миллий зиёлилардан бири Муҳсин исмли киши асрлар давомида шаклланиб келган таълим тизими большевиклар томонидан чекланишига ўтироз билдирган ҳамда барча айни мактаб ва мадрасаларга тўнкаш мақсадга мувофиқ эмас, деб таъкидлаган. “Ҳар бир ёмонлик ва бузуклик учун мадрасаларни сабаб қилиб кўрсатиш ва келгуси коммунизм жамиятида унинг тугал битишини айтиб, зарарланишнинг тўғри бўлиб чиқмаслиги аниқдир. Чунки, жамиятдаги ҳар хил мафкуралар, ғоялар шу жамиятдаги муносабатларнинг юмушидир. Шундай экан, келгуси коммунизм жамиятида турли ёмонлик ва бузукликларнинг онаси эски мактаб ва мадрасалар бўла олмайди” [7: 67].

Большевиклар диний уламолар, эски мактаб ўқитувчилари ва мударрис домлаларга қарши ғоявий кураш бошлаб, кучли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. Уларни обрўсизлантириш, соҳта айблар билан айблаш ва совет ҳуқуқ тартибот органларининг кучли босимлари муттасил давом этди. Большевиклар янги мактабнинг фойдасини ҳалқ оммасига тушунтириш учун кенг компания ўтказиш зарур деб ҳисобладилар. Фақат ташвиқот юргузиш билан иш

битмаслиги, балки янги мактабларнинг эски мактаблардан ортиқ бўлганини, унда ўқийдиган болаларнинг қай ҳолда турмушга тайёрланышларини мисол билан кўрсатиш кераклиги уқтирилган. Большевиклар диний уламоларнинг халқ кўзидаги эътиборини йўқотиш учун бу компанияни ошкора қилиш керак деб топдилар. Эки мактаб таълимими илоҳ қилиш ва диний уламоларга қарши курашишнинг асосий сабаби сифатида большевиклар қуидаги фикрни келтирадилар. “Уламолар шўро мактабларига қарши уруш очишига, уни диний мактабга айлантиришга ҳамда ушбу мактабларда тўла равишида хўжайнинлик қилишлари учун уруш бошлашга тайёрланмоқдалар” [8: 211].

Большевиклар ўз мафкурасини матбуот орқали ўтказиш учун курашган. Улар миллий зиёлиларнинг кундалик газета, журнал ва китобларини танқид қилган, ҳар хил усул ва воситалар билан кучли босим ўтказган. Коммунистик партиянинг йиғилишдарида мафкура майдонидаги курашда йўл қўйилган камчиликлар бир неча бор муҳокама қилинган. Ушбу муҳокамаларда зиёлиларга қарши қандай усул ва воситалар билан ғоявий кураш олиб бориш лозимлиги масаласи кўрилган. Шу ўринда мафкура борасида йўл қўйилган камчиликлар келтирилган. “Агар бундан икки-уч йил олдин чиққан газета ва журнallарни ўқиб кўрилса, бизда қарши мақолалар кўп саналади. Мана бу нарсалар миллий чегараланишдан илгари куч олган эди. Албатта, бу вақтда шароит шуни кўтарар эди. Ўша вақтда ёзилган мақолаларнинг аксарияти миллий низо, миллий жанжаллар чиқаришига сабаб бўлганини кўрсатсан бўлади. Масалан, бундан бир мунча вақт илгари жумхуриятимизнинг йўлбошлиларини матбуот орқали сўкканлар. Буларнинг бундай қилишларига сабаб кўпдан бўён матбуотимизнинг ички ишларига кириб олиб бир томондан ўзларини шўро хизматчиси қилиб кўрсатишлари, иккинчи томондан ўзларини матбуотимизга раҳбарлик қилиб турган муҳаррирларимизнинг кўзини бўяб, ўз фикрларини ёза бошлаганигини кўрамиз. Охирги пайтда газетамизда бундай ҳоллар кўб учрамоқда. Биз бошқа ишлар билан машғул бўлиб мафкура масаласига аҳамият бермаганимиз” [9: 13].

Совет мафкурасига хизмат қилишни истамаган миллий зиёлилар фаолияти доимо назорат қилинган. Улардан Мунаввар Қорининг иши бир неча марта муҳокама қилинган. “Кейинги вақтларда Мунаввар Қорининг иккинчи босқичи мактаблари учун ёзилган китобининг иккинчи бўлимидаги фириқамизнинг ҳозирги сиёсатига тўғри келмайдиган нарсалар ва майдо болаларнинг миясини заҳарлайдиган жумлалар ёзилган эди. Мана бу иш учун биздан бирмунча пулларни оладилар. Ва шу қаторда яна бизни сўқадилар. Бундан бизнинг хабаримиз бўлмаган. Чунки бу иш ҳукуматимизнинг бошқа ишлар билан овора бўлиб, буларнинг шу ҳаракатларига яхши аҳамият бермаганидан бўлса, иккинчидан, кўпроқ ўзимизнинг маориф ходимлари давлат нашириётида ўтирган кишиларнинг раҳбарлари бу ишга аҳамият бермагани, китобнинг расмий томонини кўриб чиқиб, мафкуравий жиҳатига аҳамият бермагани бўлиб чиқади. Улар ўзларининг бузук мафкуралари билан болаларни тарбияламоқдалар. Ҳозир ҳам бундай ишларни тўхтатгандари йўқ” [10: 13].

Коммунистик партия миллий зиёлилар томонидан тарғиб қилинаётган ғояларига қарши совет мафкурасига хизмат қиладиган қизил ўқитувчилар тайёрлашга катта эътибор берган. Маҳаллий миллат вакилларидан большевиклар манфаатига хизмат қиладиган кадрлар тайёрлаш максадида катталар мактаблари ва турли курсларда партия дастурлари

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шўро мактабларига қарши фитна чиқарган Улуғхон эшон Мукаррамхон ўғлининг иши // Қизил Ўзбекистон 1925 йил 9 февраль. 52-сон.
2. Шўро мактабларига қарши фитна чиқарган Улуғхон эшон Мукаррамхон ўғлининг иши // Қизил Ўзбекистон 1925 йил 9 февраль. 52-сон.
3. Эски мактаб домласига суд // Қизил Ўзбекистон 1925 йил 2 декабрь. 291-сон.
4. Эски мактаб домласига суд // Қизил Ўзбекистон 1925 йил 2 декабрь. 291-сон.
5. Охундий Х. Эски мактаб ва мадрасалар теварагида (мубохаса тариқасида) // Қизил Ўзбекистон. 1925 йил 7 январь. 26-сон.
6. Охундий Х. Эски мактаб ва мадрасалар теварагида (мубохаса тариқасида) // Қизил Ўзбекистон. 1925 йил 7

кенг тарғиб қилинган ва ўргатилган. Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги катталар мактаблари ва курслари бўлими мудири Заргаров курсларда таълим олаётганлар корхона, фабрика, завод, колхоз, совхоз, қизил чойхона, клубларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини ташкил қилиш ва уларнинг ишларини анализ қилиш белгиланганини қайд этган. Шунингдек, студентлар ўртасида тажриба ишлари ҳамда турмушда маданий кўнікмалар ҳосил қилиш билан биргаликда сиёсий ва мафкуравий тарбия бериш масаллари муҳим вазифа сифатида кўрсатилган [11: 125].

Большевиклар мамлакатдаги зиёлиларни икки гурухга: миллий зиёлилар ва совет зиёлиларига ажратган. Совет зиёлилари олдида айнан қайси гурухга ўтиши билмай турган зиёлиларни ўзлари томонга тортиш вазифа қилиб қўйилган. Большевиклар биринчи гуруҳдаги миллий зиёлиларга эски домлалар, руҳонийлар, уламолар деб қарайди. Иккинчи гурух – шўро зиёлиларига эса, ўз томонига ўтган октябрь мевалари сифатида қараб, буларнинг кўли билан миллий манфаатларга хизмат қилаётган зиёлиларга қарши мафкуравий кураш олиб борган. Совет зиёлилари наздида Ўзбекистонда зиёлиларнинг 98% коммунистлар фирмаси ва совет ҳукуматининг аъзолигига тўплантган, қолган 2% “эски домлалар”, “диний хурофотчилар” ҳисобланган.

Совет зиёлилар матбуот орқали миллий зиёлиларга қарши олиб борган ташвиқотларида бундай дейдилар: “Биз эски домлаларнинг йўли билан бормаймиз, уларнинг айтганларига қулоқ солмаймиз. Зарафшон вилояти Кармана уездиде Абдулла Шариф, Жунайдуллаев, Вали Хўжанов, Нўймон Асрорий ёшларга тарбия бериш ўрнига маорифга қарши ташвиқот қилиб, ҳалқ орасида иғво тарқатиш билан маорифнинг обрўйини тўкмоқчи бўлади. Бизнинг шўро зиёлилардан умидимиз катта. Улар бизнинг ёш талабаларимизни йўқсувлар мафкураси билан тарбиялашига қаттиқ ишонамиз” [12: 107].

Миллий зиёлиларга мактаб ва мадрасаларда таълимтарбия бериш ишлари большевиклар томонидан тақиқлаб қўйилгач, уларнинг аксарияти ишсиз қолган. Масалан, Мунаввар Қори 1928 йили ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялашда айбланиб, мактаб ўқитувчиларидан ҳайдалган. Унинг ўзи ёзишича, уйда ишсиз ўтириб, ҳар куни 9-10 соатлаб қўлқон ва пайтоқ тиккан. Жияни Муҳаммаджон Муслимхон ўғли амакиси Мунаввар Қорининг муаллимлик фаолияти ҳақида тўхталиб, бундай дейди: “Уч ака-ука – Аъзамхон, Муслимхон ва Мунаввархон бир ҳовлида жуда иноқ яшаган. Ҳовлимин жуда катта эди. Амаким унинг ярмида янги усулади мактаб очиб, болаларни ўқитган. Бу мактаб шўро даврида бирин-кетин “Муҳторият”, “Биринчи май” ва “Ленин” мактаби деб аталган” [13: 16-17].

Хулоса қилиб айтганда, большевиклар Ўзбекистонда миллий зиёлилар фаолиятига тўсиқ қўйиш орқали ёш авлодни совет мафкурасига хизмат қиладиган қилиб тарбиялаш сиёсатини юритди. Бунинг учун большевиклар минтақада асрлар давомида шаклланган таълим тизими ўрнига совет таълимими жорий қилишга киришди. Бу пайтда нафақат эски усул мактаблари, балки янги усулдаги жадид мактаблари ҳам буржуа-реакцион ғоялар тарқатувчиси деб топилди. Миллий зиёлиларнинг таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиши чекланиши маҳалий болаларнинг билимсиз бўлишига олиб келди. Натижада ёш авлод олим бўлиш ўрнига большевикларнинг “батрак ишчи деҳқонларига” айланди.

январь.26-сон.

7. Мұхсин И. Эски мактаб ва мадрасалар теварагида (Х.Охундий ўртоқнинг мақоласи муносабати билан) // Қизил Ўзбекистон. 1925 йил 26 февраль. 67-сон.

8. Мусулмон руҳонийларига умумий зарба // Қизил Ўзбекистон. 1926 йил 15 сентябрь.211-сон.

9. Мафкура майдонида кураш масаласида маориф ишчиларининг вазифаси // Қизил Ўзбекистон.1927 йил 16 январь.13-сон.

10. Мафкура майдонида кураш масаласида маориф ишчиларининг вазифаси // Қизил Ўзбекистон.1927 йил 16 январь.13-сон.

11. Ўзбекистон ФА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 2193-ийғма жилд, 125-варак.

12. Мафкура майдонида курашни давом эттирайлик // Қизил Ўзбекистон.1926 йил 14 май. 107-сон.

13. Мунаввар Кори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидлик тарихидан лавҳалар) – Тошкент: Шарқ, 2001. - Б.16-17.

◆ **Аннотация:** Мақолада большевикларнинг Ўзбекистондаги таълим тизими ва мамлакатимиз зиёлиларига қарши мағкуравий кураши ёритилган. **Калим сўзлар:** Инқилоб, совет, большевик, партия, миллий зиёлилар, совет зиёлилари, мафкура, комсомол, коммунизм.

◆ **Annotation:** This article deals with the ideological struggle of the Bolsheviks against the education system and intellectuals in Uzbekistan.

◆ **Аннотация:** В статье освещается идеологическая борьба большевиков против системы образования и интеллигенции в Узбекистане.

## ҚУРЬОН, ҲАДИС ВА ҲИҚМАТЛАРДАГИ МАСАЛЛАРНИ БАДИЙ УСЛУБДА БАЁН ҚИЛГАН МЎЛТАБАР МАНБА

БАҲОДИРЖОН АЗАМОВ

Тошкент давлат

Шарқшунослик университети

2-босқич магистранти

“Масал” ва “мисл” арабча сўзлар бўлиб, луғатда “ўхшаш”, “тeng”, “васф-сифат” маъноларини англатади. Улар ўзбек тилидаги “мисоли”, “бамисоли”, “ўхшаш” сўзлари каби маъноларда қўлланилади. “Аллоҳ таолонинг мисли йўқ” иборасида бу сўз “ўхшashi, тенги йўқ” маъносида, “жаннатнинг масали” биримасида эса “васфи-сифати”, “мисоли” маъносини ифодалайди. “Тамсил” эса “ўхшатиш”, “бирор нарсани тасвиirlаб бериш” маъносини билдиради. Мақол ҳам араб тилида масал дейилади [1: 4/ 218].

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида масалнинг луғавий маъноси, мазмун-моҳияти, жанри ва унинг турлари, ривожланиш босқичлари, турли аср ва минтақаларга мансуб адиллар иходида ушбу жанр қай тарзда акс этгани ҳакида қўйидагича ёзилган:

“Масал (араб. – намуна, мисол) – дидактик адабиёт жанри бўлиб, таълимий характердаги, аксарият кичик шеърий, баъзан насррий шаклдаги асаддир. Масалда инсонга хос хусусиятлар, жамиятга оид ижтимоий ҳодисалар, муносабатлар қушлар, ҳайвонлар орасидаги муносабатлар ва табият ҳодисалари воситасида акс эттирилади. Мазмуни мажоз асосига қуриладиган масалда комиклик ва киноянинг, ижтимоий танқид мотивининг устун бўлиши айрим ҳолларда унга ҳажвий рух бағишлиайди. Масалнинг ҳикоя қисми ҳайвонлар ҳақида эртаклар, новелла ёки латифаларга яқин бўлиб, хотимаси, таълимий хуносаси мақол, ҳикматли сўз ва иборалар тарзида тузилган бўлади. Материаллари аксарият эртак, мажоз, новелла, латифа ва бошқа жанрларда ҳам қўлланиши мумкин. Рамзли ҳикоядан фарқли равиша масалнинг ўз анъанавий образ ва мотивлар доираси (масалан, ҳайвонлар, ўсимликлар, қушлар, муайян тизимдаги одамлар ва ҳоказо) мавжуддир. Масал жанри унсурлари жуда қадимдан маълум. Унинг намуналари машҳур “Калила ва Димна” (Панчтантра, III аср) таркибида учрайди. Масаллар Фаридуддин Аттор, Жалолуддин Румий, Алишер Навоийнинг асрларида тамсил учун ишлатилган. Ўзбек шоири Муҳаммадшариф Гулханий “Зарбулмасал” асарида масалдан моҳирлик билан фойдаланган. Кадимий юон адабиётида Эзоп (милодий VI / V асрлар), Рим адабиётида Федр (милоддан аввалги I аср), француз адабиётида Лафонтен (XVII аср), рус адабиётида Крилов бу жанрнинг етук намояндалари сифатида шуҳрат қозонишган. Рус адабиётида Д.Бедний, С.Маршак, С.Михалков масалнинг ажойиб намуналарини яратиши. Замонавий ўзбек адабиётида С.Абдуқаҳхор, О.Қўчқорбеков, Й.Қурбонов ва бошқалар масал жанрини

ривожлантирилар”[2: 264].

Араб тили луғатида – ўзбек тилидаги – мақол, ҳалқ оғзаки ижодига оид ибора ва ҳикматли сўзлар “масал” (кўплиги “амсол”) дейилади. Масалан, “Халқ мақоллари” деган ибора “Аламсол аш-шაбъия” дея ифодаланади. Буни шу ном билан чоп этилган мақоллар тўпламларида кўриш мумкин. “Мақол” сўзининг асли ҳам арабча бўлиб, “гап”, “сўз” деганидир. “Масал”нинг “сўз” деган маъноси бор [5: 14-18]. Демак, ушбу икки сўзининг луғавий боғлиқлик жиҳати мавжуд экан. Бирок “мақол” сўзи факат луғавий эътибордан “гап”, “сўз” маъносида қўлланиб, биз билган истилоҳий мақол маъноси “масал” сўзи билан ифода этилади. Бундан эса масал ўзига хос шаклда ҳам мақол, ҳам ҳалқ оғзаки ижоди жанри экани, шунингдек, араб ва ўзбек тилларида бу икки атама ўзаро маънодош истилоҳлар экани билинади.

Мақол ҳақида Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қўйидагича ёзилган: “Мақол – ҳалқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантиқий тугал маъно ва ҳикматли, чукӯр мазмунли ибора бўлиб, муайян ритмик шаклга эга. Мақолларда авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамлашган бўлади. Мақоллар асрлар мобайнида ҳалқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

Мақоллар мавзу жиҳатдан ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлади. Ватан, меҳнат, илм-хунар, дўстлик, аҳиллик, донолик, ҳуշёрлик, тил ва нутқ маданияти, севги ва муҳаббат каби мавзуларда, шунингдек, салбий хислатлар хусусида ранг-баранг шаклда тузилган бўлади. Мақоллар учун мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги, кўп ҳолларда қофиядошлиқ, баъзан кўп маънолилиқ, мажозий маъноларга бойлик каби хусусиятлар характерлидир. Мақолда антитетза ҳодисаси кўп учрайди. Масалан, “Каттага хурматда бўл, кичикка иззатда бўл” мақоли каби.

Туркий ҳалқларнинг мақолларидан намуналар дастлаб